

## WORKS AND ENVIRONMENTAL EDUCATION.

**Dusnazarova Mavjuda Elamanovna,**  
Termez State University, Department of Civil Society  
teacher

Баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим вазифаларидан бири аҳолини, хусусан ёшларни иймон-эътиқодли кишилар қилиб тарбиялашдир. Чунки, жамиятда, инсон хаётида эътиқоднинг роли жуда каттадир. Халқимиз “эътиқодсиз киши – ўзансиз дарёдир”, деб бежизга айтмайди. Бизнинг фикримизча эътиқод кишилар ўз фаолиятларида чин юракдан амал қиласиган, қўллаб-кувватлайдиган маълум ғоялар, қарашлар бўлиб, улар инсон онгида у меҳнат қилаётган, яшаётган маълум шароитнинг вактнинг таъсирида шаклланадиган дунёқарашнинг муҳим таркибий қисмидир. Эътиқод шаклларига кўра: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, иқтисодий, диний, илмий, даҳрийлик, демографик ва экологик эътиқодларга бўлинади. Жаҳон миқёсидаги экологик вазиятга назар ташлайдиган бўлсак, унинг муаммолари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аллақачон экологик муаммо миллий, минтақавий даражадан ташқари чиқиб-жаҳон муаммосига айланган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг шоҳ асарларидан бири бўлмиш “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарларида таъкидлаганидек: “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш – ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афусски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятызлик билан муносабатда бўлмоқдалар”. Экологик эътиқодни шакллантириш эса шу боисдан жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Чунки ёшларда экологик эътиқодни шакллантирмас эканмиз бу борада катта ютуқларга эришиб бўлмайди.

Экологик эътиқод аввало табиат ва инсоннинг ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлишини, инсон томонидан табиат имкониятлари ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиб иш юритишни, табиат, атроф-муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган меъёр ва қоидаларга амал қилишни, экологик мувозанат, иқклим, одамларнинг хаёт ва фаолиятларини бузилишига йўл қўймасликни, дунё аҳолисининг йилдан-йилга ўсиб бориши билан қўп миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқаларни ишлаб чиқаришни режалаштиришни, ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилашни, экологик жиҳатдан заарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлашни, уларни сайёрамиз кўламида ҳал қилинишини ва бошқаларни тўғри тушунтириб беришига ёрдам беради.

Экологик билим, экологик маданият, экологик онг, экологик эътиқод бир –бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни шакллантириш бир зарб билан амалга ошириладиган иш, вазифа, мақсад йўналиш эмас.

Экологик вазиятнинг бузилиши бирданига содир бўлмаганидек, экологик билим, маданият, онг, эътиқод ҳам экологик тарбиянинг мунтазам системали, табақалашган холда олиб борилиши жараёнида амалга оширилади.

Табиий бу жараёнда экологик тарбиянинг усууллари, шакллари, воситалари, йўналишларидан самарали фойдаланиш тақоза этилади. Бу унинг жонқуярларининг фидойилигини, экологик муаммоларни тўлиқ англаб олиши билан ҳам боғлиқ. Экологик эътиқодни шакллантириш муайян ҳудуд, минтақа доирасидагина амалга оширилмайди, у умумбашарий, умуминсоний вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин

ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги қўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”, деган эди.

Бу нарсани ҳеч қачон унугиб бўлмайди: табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча инсон табиатнинг бир бўлаги сифатида у билан уйғунлашуви ҳозирги замоннинг муҳим талабидир.

Айни пайтда халқларимиз, жумладан, ёшларимиз турмуш тарзида, қалби ва онгида миллийликни, миллий маънавиятни шакллантиришимиз, уларни ҳар томонлама ривожлантиришимиз ва давр замон талабларига қараб такомиллаштиришимиз лозим.

Агар халқимиз, ёшларимиз қалби ва онгида миллий онг, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини қарор топтирасак, миллий маънавий меросимизни чуқур ўрганиб олсак, миллий менталитетимизни янада такомиллаштирасак турли таҳдидларга қарши мустаҳкам қалқон-мағкуравий иммунитетни шакллантирган бўламиз. Айни пайтда миллийликнинг бошқа жиҳатлари ва кўринишлари ҳақида ҳам тўлароқ тасаввурга эга бўлишимиз зарур. Ўзбекистоннинг Буюк Ўзбекистонга айлантириш жараёнида миллий бойликларимиз, миллий салоҳиятимиз, миллий давлатчилигимиз тарихини, миллий тилимизни, миллий рухиятимизни, шунингдек миллий маданиятимиз, миллий маънавиятимиз, миллий урфодат ва анъаналаримиз, миллий қаҳрамонларимизни билиб, англаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Демак ёшларимизга гоявий тарбияни, эътиқодни сингдириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири экан. Бу масалани ҳар биримиз аввалом бор ўз оиласларимизда бошласак мақсадга мувофиқ бўлади ва жамиятимизнинг тараққиётида ижобий ўрин эгаллайди.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Конун устиворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Т.:Ўзбекистон, 2016.
2. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қаттий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак.-Т.:2017.
3. Худойбердиев X. Маънавият, ахлоқий қадрият. -Термиз, 2000.
4. Khudayberdieva K.G. Nationality: Views, Probiems And Solitions//The American Jornal of Social Science and Education Innovations -2020.-T.2.-№.08.-C.297-300.